

Хам журналист, хам шоир, хам драматург, хам носир Жуманиёз Жабборов Кашкадарё вилояти, Косон нохиясидаги Пўлоти кишлогида 1930 йили дунёга келган. Ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат дорилфунунида тахсил кўрган. 1952—1953 йилларда Москвадаги Адабиёт олий курсида ўкиган. Шундан сўнг «Шарқ юлдузи» ойномасида (1953—1962) аввал бўлим бошлиги, сўнг масъул котиблик килган, 1962—1964 йилларда «Гулхан» ойномасига мухаррир бўлган. 1964—1976 йилларда «Совет Ўзбекистони» («Ўзбекистон овози») рўзномасида бўлим бошлиги, бош мухаррир ўринбосари вазифаларида ишлайди. 1976—1981 йиллар мобайнида Республика партия Марказий кўмитасида шўба мудири, 1981—1985 йилларда Гафур Гулом нашриётида директор, 1985—1990 йилларда эса Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси кошидаги таржима ишлари бўлими маслаҳатчиси, 1990 йилдан то хозирги кунгача Ўзбекистон Давлат мукофотлар кўмитаси бўйича масъул котиб бўлиб ишлаб келмокда.

Жуманиёз Жабборовнинг адабий фаолияти 50-йиллардан бошланган. Хозиргача йигирмадан ортик шеърий, насрый тўпламлар, ўнлаб достонлар ва драмалар яратган. Ашш чогда болалар шоири сифатида «Тоддаги учрашув» (1986), «Гулжахон ва Хасанжон» (1968) тўпламларини яратган. Унинг биринчи шеърий тўплами эса 1953 йилда «Ватанимни уйлайман» номи билан чоп этилган. Шундан сўнг «Бахор нафаси» (1956), «Максад йўлида» (1958), «Тоглар садоси» (1961), «Она ер кўшиги» (1962), «Субҳидам хаёллари» (1964), «Шеърлар» (1966), «Сахро санами» (1967), «Лирика» (1970), «Илҳом дакикалари» (1971), «Еътиқод» (1978), икки жилдлик «Сайланма» (1980—1981), «Хаёлимда ўзинг» (1985), «Кўпглим гўзали» (1991) каби шеър ва достонлар тўпламлари, «Достонлар» (1974), «Куёш юрти» (1983) каби йирик поемалар мажмуаси, «20 кун дафтари» (1967), «Соҳиллар хикояси» (1978) каби насрый асарлар йигиндиси нашр бўлган. Шунингдек, «Гулшан» (1957), «Тоглар садоси» (1959), «Она ер кўшиги» (1961), «Сахро санами» (1966), «Йўлдаги ўйлар» (1968), «Дишлок-даги хайкал» (1970), «Мухаббат наккоши» (1980) каби достонлар яратилган.

У мохир шоир, хикоянавис, очеркнависгина эмас, таникли драматург сифатида хам баракали ижод килиб келади. Айникса, у яратган «Ўжарлар» (1971), «Йиллар ўтиб» (1975), «Тўйдан олдин томоша» (1979), «Менинг оппок кабутарим» каби драмалари Тошкентда, катор вилоят театрларида, Козогистон, Киргизистон, Тожикистон республикалари сахналарида кўйилиб келади.

Жуманиёз Жабборов мохир ва сермаксул таржимон сифатида Лермонтов, Байрон ва Фирдавсийлар асарларини ўз она тилида сўзлатган.

Шоир, носир, драматург ва журналист Жуманиёз Жабборов адабиёт ва халк олдидағи ана шу хизматлари учун кўша-кўша орден ва медаллар, фахрий ёрликдар билан тақдирланган. 1980 йилда эса унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони берилган.